



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 158 (11.969)

Баҳоси эркин нарҳда



БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



БАЙРАМЛАРИ ЯРАШГАН ЮРТИМ

Халқимиз ўзининг энг улуғ, энг азиз айёми — Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини жойларда кенг нишонламоқда. Ота-боболаримиз, момоларимизнинг асрий орзулари ушалган мазкур тарихий куннинг Республикаимиз бўйлаб мана шундай миқёсда, улкан шодийналар билан кутиб олиншида ҳам ҳикматлар бисёр. Гўзал байрам қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотибгина қолмай, кўнгилларимизни нурафшон айлаётир.

Кун кеча «Камолот» ЁИХ Олмазор туман бўлими Кенгаш томонидан Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида улуғ айёмга бағишланган тадбирлардан бири ўтказилди. Унда туманда истиқомат қилувчи маҳаллалар фаоллари, «Ниҳол» ҳамда Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, спорт, илм-фан соҳасида катта ютуқларни кўлга киритган ёшлар, Президент стипендиатлари, ижодкорлар, «Келажак овози» кўрик-танлови қатнашчилари карнай-сурнай наволари янграб турган боққа бирин-кетин кириб келдилар. Барчанинг қалби кўкларга етудек, мусаффо осмонимиз, тинч маконимиз бахтига шерик.

Шу кун кеча кўнрақ қол-лежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчилари, шунингдек туманда жойлашган мактаблар битирувчилари ўзига хос зафарларга эришган тенгдошларининг кўлга киритган ютуқлари ва кўнрақига шерик бўлдилар. Иштирокчиларнинг асосини ёш авлод вакиллари ташкил этганлиги боис байрам тадбири ўзгача тарзда, янги-янги шукҳда ўтди.

Боғда ташкил этилган кўргазма ҳам бошқа кўргазмалардан фарқ қилди. Яъни унда турли йўналишларда фаолият юритаётган тўғарак аъзолари ўз кўл ишларини намойиш этдилар. Бу эса «бўш вақтимни нима ишларга сарфлай, қандай қилиб мен ҳам фахр-намунига эришсам» қилувчи тенгдошларим қаторидан жой олай» деб юрган йигит-қизларга айни муддао бўлди.

Ёш бўлишимга қарамай Италиянинг Барлетта шаҳрида ўтказилган «Chitta di Barletta» Халқаро камонли – торли кўрик танловида голиб чиққанмида Ватаним мустақиллигининг ўрни бекиёс, – дейди Малика Анарматовна. – Биз ёшлар бунга яхши англаб етмоғимиз даркор. Сабаби, мустақил бўлмаган элнинг ҳеч ким билмайди, тан олмайди. Ўзбекистон деб аталмиш озода, обод ўлкаимиз, мустақиллигининг илк кунлариданоқ жаҳонга танила бошлади. Мени қувонтирган ҳол, Италияга борганимда бошқа давлатлардан келган тенгдошларимнинг Бухоро, Самарқанд, Хива, Термиз каби қадимий шаҳарларимиз ҳамда гўзал пойтахтимиз, дунё тан олган уламоларимиз ҳақида сўраганимиз

қалбимда ажиб бир гурур ҳисси пайдо бўлди. Бу каби имкониятларни яратиб бераётган давлатимизга ёшлар номидан ўз миннатдорчилигини билдираман.

– Мустақиллик биз учун буюк инъом, муқаддас неъматдир, – дейди «Камолот» ЁИХ туман бўлими бош мутахассиси Асқар Имомхўжаев. – Бугунги тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, биз бу буюк байрамимиз, унда янграйдиган миллий кўшиқлар, ижро этиладиган рақслар орқали Мустақиллик тушунчасини одамлар онгига чуқур синдиришимиз лозим. Токи шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон Истиқлолнинг қадрини билсин. Уни катта бойлик, ўзигини англаш, ўзини озода инсон деб ҳис этиши учун бекиёс имконияти деб қабул қилсин.

Тадбир давомида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаш раиси Азмидин Маҳмудов илм-фан ва жамоат ишларида ютуқларга эришган тиришқоқ заҳматқар, Ватанга садоқат руҳида улғайиб, камол топаётган ўғил-қизларга эсдалик совғаларини топширди.

Садоқат АСЛАНОВА
Козим Ўлмасов
олган суратлар

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллиги арафасида «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси умумий қиймати 56,4 миллион АҚШ долларига тенг 11 инвестиция лойиҳасини амалга оширишни ниҳоясига етказмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистон енгил саноати нафақат минтақада, балки халқаро миқёсда ҳам мустахкам етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бугунги кунда ушбу соҳа улуши саноат ишлаб чиқариш ҳажмида 26 фоиздан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмида эса 44 фоиздан ошди. Мамлакатимиз ва хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши, улар асосида энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги, экспорттоб маҳсулот ишлаб чиқарувчи қувватларнинг ташкил этилиши ушбу муваффақиятларга эришишда муҳим омил бўлди.

Тўқимачилик саноатида янги объектларнинг ишга туширилиши ва фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг техник қайта жиҳозлангани бунга ёрдам берди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 29 декабрда қабул қилинган 2011 йилда Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури тўғрисидаги ва 2010 йил 15 декабрда имзоланган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорларида ана шу ишларни амалга ошириш кўзда тутилган.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Фарғона, Хоразм вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида 11 инвестиция лойиҳаси ҳаёта таъбиқ этилмоқда. Бу объектларда 17,2 минг тонна ип, 7 миллионга трикотаж маҳсулотлари, 5,2 миллионга пайпоқ маҳсулотлари, шунингдек, 0,2 миллион квадрат метр шойи матолари ишлаб чиқарилади.

– Кўкон тўқимачилик комбинати негизда ташкил этилган «Indorama Kokand Textile» тўқимачилик ишлаб чиқариш мажмуасининг фойдаланишга топширилиши энг йirik инвестиция лойиҳаси ҳисобланади, – дейди «Ўзбекенгилсаноат» компаниясининг инвестицияларни жалб этиш ва ҳудудий лойиҳаларни мониторинги бош башқармаси бошлигининг ўринбосари У.Рўзиев. – Яқин вақт ичида ушбу корхонада йилга 9 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш имконини берадиган дастлабки босқични ишга тушириш режалаштирилмоқда.

«Indorama Kokand Textile» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси 2011 йилнинг июлида «Indorama Industry» компанияси ва Ўзбекистон Республикаси Шуниси эътиборлики, ип йиғириш бўйича янги технологияни яратиш ҳисобидан 2013 йил охирида тўқимачилик мажмуаси лойиҳа бўйича йилга 16-20 минг тонна пахта толасини ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Бу йилги 26-32 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради. Ишлаб чиқариш жараёнига 500 нафардан ортиқ одам жалб этилади.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон енгил саноати салоҳияти изчил ривожланмоқда. Зеро, самарали бошқарув тизими эга ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган «Indorama Kokand Textile» тўқимачилик мажмуаси каби замонавий ишхоналарнинг ишга туширилиши истиқболда ҳам тўқимачилик соҳасида юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш ҳамда саноат ишлаб чиқариш ҳажминини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

М.МАМЕТОВА,
Ўза мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2010 йил ноябрь ойида Олий Мажлис иккала палатасининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, шунингдек, «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурини амалга оширишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

• Мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб юртимизда «UZ» миллий домени Интернет фестивали бошланди. Мазкур тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «UZ INFOCOM» компьютер ҳамда ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази томонидан ташкил этилди.

• Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округи ҳудудида барпо этилган 48 хонадонга мўлжалланган иккита кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди.

• Термиз шаҳрида «Сардорбек-Сурхон» кўп тармоқли корхонасининг замонавий хусусий клиникаси ишга туширилди. Ушбу клиника замонавий жарроҳлик, умумий терапия, физиотерапия, ультратовуш текшируви ва ташхис ускуналари билан таъминланди.

• Жиззах вилояти Янгиобод туманида «Янгиобод чеварлари» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. 42 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган янги корхонада 50 мингтагача кийим-кечак тайёрлаш имконияти юзга келди.

• Шўрчи туманидаги «Анвар Аброр Дилшодбек» хусусий корхонасида мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технологик линия ишга туширилди. Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ҳамда дизайни жиҳатидан хорижийнинг шу каби маҳсулотлари билан бемалол рақобатлаша олади.

• Денов шаҳрининг Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 200 дан зиёд корхона ва ташкилотлар бўш иш ўринлари билан қатнашди. Ярмарка якунида 61 киши иш билан таъминланди.

• Боготлик тадбиркор Ҳабибулла Юсупов кичик бизнес субъектлари учун яратилаётган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, Бешарик қишлоғида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда бу ерда банкнинг 30 миллион сўмлик кредити ҳамда тадбиркорнинг ўз маблағи ҳисобида замонавий технологиялар ёрдамида кунига ярим тоннадан ортиқ сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланиб, савдо шохобчаларига етказиб берилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Лондонда бир неча кундан буён давом этаётган оммавий тартибсизликлар натижасида ҳибсга олинганлар сони минг нафардан ошди.

• АҚШда гипер овозли учувчисиз бошқариладиган янги самолётнинг синови муваффақиятсиз ўтди.

• Кеча Махачқалъада ўтказилган махсус операция чоғида олти нафар жангари йўқ қилинди. Улардан бири Бўйноқдаги террорчилик ҳаракатига алоқадор гуруҳ вакили Довуд лақабли террорчидир.

• Нагасакида портлатилган ядро бомбаси қурбонларини хотирлаш маросимида бош вазир Наото Кан япон ядро қуролига эга бўлмаслик, уни ишлатмаслик ва мамлакат ҳудудида киритмаслик шартларига содиқ қолишини алоҳида таъкидлади. Айтиш керакки, 66-мартга ўтказилаётган хотирлаш маросимида бу йил илк бор АҚШ вакили ҳам иштирок этди.

• Волгоград областида юзга келган ўрмон ёнғинлари майдони бир кеча-кундузда 10 баробарга ошди. Ҳозирда уни бартараф этиш учун катта кучлар ташланган.

• Кеча Челябинск областида кўмири ортилган иккита поезднинг ўзаро тўқнашиб кетиши натижасида икки киши ҳаётдан кўз юмди.

• Хитой Покистон учун алоқа мақсадларига мўлжалланган ер сунъий йўлдошини учирди.

• Қуюқ туман туфайли Москвадаги Внуково аэропортида парвозлар вақтинча тўхтатилди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Бадий академиянинг кўргазмалар залида «Болалар ҳудуди» ихтисослашган кўргазмаси доирасида «Тошкент қозоғи» МЧЖ томонидан танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

✓ **КЕЧА** Чилонзор туманидаги «Кичик Хирмонтена» маҳалласида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида тадбир ташкил қилиниб, маҳаллада истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга ҳомиёрлар томонидан совға-саломлар топширилди.

✓ **ЭРТАГА** Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» шиори остида маънавий-маърифий кеча ҳамда Маҳалла кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

МАЪНАВИЙ ТАЪЛИМОТ (2008 йил)

2008 йил «Ёшлар йили» бўлди. Ёшлар – эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи. Бизда 18 ёшгача бўлганлар умумий аҳоли сонининг қарийб 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этади.

Январь ойиданоқ ёшларга эътибор йилнинг асосий йўналишини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 – 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши (07.01), Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу Дастурни қабул қилишига бағишланган қарори (08.07), Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни (07.01) қабул қилиниши шундан далолат беради.

29 февралда эса «Ёшлар йили» Давлат дастури қабул қилиниши ва йил давомида у изчил амалга оширилади.

1 январдан Ўзбекистон Республикаси янги Солиқ кодексига кўча кирди.

8 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусида маъруза қилди. У ўз маърузасида, жумладан, ҳал этилмаган мавжуд муаммоларга эътиборни қаратиш ва «2008 йилда Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифалари ва йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури»га алоҳида тўхтади.

1 март – Ўзбекистон халқ шoirаси Зулфия туғилган кун. Эсингизда бўлса, 2007 йил 13 сентябрда Тошкент шаҳрида Зулфиянинг ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди. Шoirа таваллуфига 93 йил тўлган кун Тошкент шаҳрида Зулфия ҳайкали очилди.

Истиқлолнинг ўз солномаси бор. 4 март кун мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк ордени – «Соғлом авлод учун» таъсис этилганига 15 йил тўлди.

12 март кун Тошкентда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан «Орол муаммолари, уларнинг аҳоли генетикига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига таъсири ҳамда оқибатларини енгилаштириш учун халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов конференция иштирокчиларига мактуб йўлади. Халқаро конференциянинг Тошкент декларацияси қабул қилинди.

2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарори қабул қилинди.

3 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов Бухарестда НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади, жумладан: «Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муаммоларни енчиш учун катта имкониятлар очиб берадиган ҳавфсизликнинг ҳал қилувчи омилли эканини яхши англаймиз», – деди ҳамда шу масалага доир Ўзбекистон позициясини илгартириб сурди. Яна: «Нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз ҳуруж ва бўхтонларга йўл қўймастик доркор», – деб таъкидлади.

Ўзбекистон раҳбарининг нуфузли халқаро минбарлардан туриб жаҳон миқёсидаги бундай масалаларга дадил муносабат билдириши мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги юксак мавқеидан далолат беради.

9 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети 90 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Сентябрьнинг охириги ўн кунлигида Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети 90 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей тадбирлари «Ёшлар йили» Давлат дастурида белгиланган мақсад ва вазифаларга йўғун ҳолда ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов университет профессор-ўқитувчилари ва талабаларига, бутун жамоасига табрик йўллади, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан бу олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари, илмий ҳодимлари ва талабаларидан бир гуруҳи давлатимиз унвон, ордени ва медаллари билан мукофотланди.

Йил спортчиларимиз учун жуда омадли келди.

12 – 19 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтказилган учинчи Жаҳон яққарашлар йилларида муайтай бўйича Ўзбекистон терма жамоаси 8 нафар спортчи билан қатнашиб, 7 та олтин ва 1 та кумуш медал билан умумжамоа ҳисобида фахрли биринчи ўринни қўлга киритди.

Мамлакатимизда ўқувчи ва талабалар ўртасида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақаларининг ўтказилиши аёнанага айланган. 17 – 20 май кунлари Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус ва Тахиташо шаҳарлари, Ҳўжайли ва Кегайи туманларидаги замонавий спорт мажмуаларида академик лицей ва касб-хунаро коллежлари ўқувчилари орасида «Баркамол авлод» аънавий спорт ўйинлари ўтказилди.

8 август кун Хитой Халқ Республикаси пойтахти Пекин шаҳрида XXIX Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиши маросими бўлди. ХХР Раиси Ху Цзиньтаонинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 8 – 9 август кунлари Пекинда бўлиб, бу маросимда иштирок этди. Олимпиада Ўзбекистонимиз учун ҳам ўзалигини намоён эттишининг аjoyиб бир имконияти бўлиб хизмат қилди. 204 мамлакат вакиллари иштирокида 24 августгача давом этган бу олимпиадада спортчиларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш ва 3 та бронза медалини қўлга киритди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25 августдаги Фармони билан ана шу олимпиадада юксак натижаларни қўлга киритган спортчилар ва мураббийларимиздан бир гуруҳи фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотланди, шунинг



гдек, совриндорларни пул маблағлари билан тақдирлаш чора-тадбирларига бағишланган қарор ҳам чикди. 10 сентябрь кун Президент Ислом Каримов Оқсаройда ана шу медалларни қўлга киритган спортчиларни, уларнинг устоз ва мураббийларини қабул қилди.

Апрель ойида Ўзбекистоннинг Вашингтондаги элчихонасида Орол денгизи муаммолари ва Оролбўйи минтақасидаги экологик инқироз оқибатларини бартараф этиш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

28 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон давлат санъат институтининг Нукус филиали ташкил этилди. Апрельда Тошкентда мактаб ўқувчиларининг кимё фанидан 42-халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтди.

1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони имзоланди. Декабрда бу сана мамлакатимизда катта тантаналар билан нишонланди.

Ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин Ўзбекистон Республикаси биринчи қўшилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжат айнан шу – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси эди. Чунки бу халқаро-ҳуқуқий ҳужжат ўзида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашдаги энг асосий демократик қатъийларни (принципларни) мужас-

миллий қадрият, урф-одат ва аъналарга, аждодлар ҳаёти ва фаолиятига муносабат этади.

Шўро даври эсимиздан чиққанча йўқ. Дин оқимиди-қорамиди? Амир Темур-чи? Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхониддин Марғиноний, Имом Мотуридид, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Фихравоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор Валий номларини эшитганимизда? «Авесто»нинг айнан юртимизда яратилгани, унинг 2700, шунингдек, буюк «Алпомиш» эпосининг 1000 йиллигини халқаро миқёсда тантаналар билан нишонлаш учун қандай ҳақ-ҳуқуқимиз бор эди?

Булар тарихга янгича муносабатнинг бир қисми, холос. Шундан ҳам кўриниб турибдики, мозийга юз тутишнинг бошланиши амалда маънавиятга муносабатнинг ўзгарганидан далолат беради. Шу тарихка бир хулоса қатъийлашди: юксак маънавиятга эга халқни ҳеч ким ҳеч қачон енга олмайд!

Биз – шак-шубҳасиз, буюк халқимиз. Айниқса, мустақиллик йилларида бунга борлик олам тан олди.

Биринчидан, шу йиллар мобайнида изчил равишда ҳеч кимдан кам бўлмаганимизни дунёга исботладик.

Иккинчидан, бу бизга: «Ҳеч кимдан кам эмасмиз», – деган ғояга қатъий амал қилишимиз учун буюк асос бўлиб хизмат қилди.

Учинчидан, бу икки асос: «Ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам», – дейишга, шунга интилиб, шунга эришишнинг йўлларини излаб яшашга ундади.

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарига ана шу уч фикр мантикий тарзда асослаб берилди.

Худди шу нарса халқ онг-тафаккури, қалб-шуурида кўтаринки бир руҳият пайдо қилади. Шу руҳият ҳар бир фуқарони олға етаклайди, унга завқ-шавқ бағишлайди, фахр-иштихор туйғуларини жўш урдириб, уни яшашга, яратишга ундайди.

Ўзбекистон истиқлол йиллари жаҳоннинг нуфузли анжуманлари ўтказиладиган юртга айланди. Тошкентда 29 – 30 май кунлари «Сийёсий ва иқтисодий модернизация шартотида Марказий Осиёда ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш» мавзусидаги, 9 – 10 июнда эса замонавий демократик жамиятда оммавий ахборот воситалари эркинлигига бағишланган халқаро конференциялар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилди (23.06).

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақаси муаммолари ечимини излашда асосий ташаббускор мамлакат бўлиб қолди. Июнь ойида Токиода Япония Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги, Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Сув форуми, Глобал инфратузилма институтининг тадқиқот жамғармаси ҳамда мамлакатимизнинг Токиодаги элчихонаси томонидан «Орол муаммолари, унинг аҳоли генетикига, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига таъсири ҳамда уларнинг оқибатларини енгилаштириш чора-тадбирлари» мавзусида конференция бўлиб ўтди.

3 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори қабул қилинди.

11 сентябрь кун Президент Ислом Каримов расмий ташир билан Озарбойжон Республикасига борди. Расмий таширнинг иккинчи кунни ўзбек ва озарбойжон халқларининг маданий-маънавий ҳаётида ўчмас ўз қолдирадиган муҳим воқеа рўй берди: Бокуда газал мулкнинг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий ҳайкали очилди, шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирига улуг аллома ва давлат арбоби Мирзо Улугбек номи берилди.

Октябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида «Буюк Ипак йўли туризми» XIV Халқаро Тошкент сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди.

Ноябрь ойида Асака автомобиль заводи конвейеридан миллионинчи автомобиль чиқди. 2008 йил «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси учун юксак маррага – 2 миллион 69 минг 343 нафар йўловчинини ўз манзилига етказиб қўйиш даражасига эришиш йили бўлди.

2 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Декабрь ойининг иккинчи ўн кунлигида Навоий конметаллургия комбинати ва Навоий шаҳрининг 50 йиллиги кенг нишонланди. Президент Ислом Каримов ана шу комбинат жамоаси ва Навоий шаҳри аҳолисига табрик йўллади, шу муносабат билан ишлаб чиқариш илгорлари ва шаҳар фаолларидан бир гуруҳи фахрий унвон, ордени ва медаллар билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислом Каримов 2009 йили кириб келиши муносабати билан йўллаган «Ўзбекистон халқига янги йил табриги»да, жумладан, ўтган 2008 йилга мухтасар баҳо бериб ўтди: «2008 йил... мамлакатимиз учун осон бўлмади. Йил давомида захматхалқ деҳқонларимиз учун жиҳдий синов бўлган қаттиқ қурғоқчилик ва сув танқислигини, иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ҳамда қундалик ҳаётимиздаги турли қийинчиликларни енгиб ўтиш, бир қатор муаммоларни ҳал этиш учун катта куч ва имкониятларни сафарбар этдик».

Султонмурод ОЛИМ (Давоми бор)

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги арафасида қабул қилинган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 2011 йил 23 июндан кўчга кириши кўчмас мулк бозорида муҳим ўрин эгаллади. Давлат объектларини, жумладан уй-жой фондини хусусийлаштириш натижасида кўчмас мулк бозорининг вужудга келиши ва ҳозирги кунда замонавий асосда ривожланиб бориши изчил иқтисодий сиёсатнинг самарали натижаларидан биридир. Бунда соҳа қонунчилигини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ўзига хос ўрни бор.

Ислохотлар оқимида

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДА РИЭЛТОРЛИК ХИЗМАТИ

Зеро, мазкур қонун асосида кўчмас мулк бозори иштирокчилари бўлган воситачилик тузилмалари, яъни риэлторлар ва риэлторлик ташкилотлари янгича талаблар асосида фаолият юритишга киришдилар. Яқинда Давлат мулки қўмитаси томонидан қонунга мувофиқ, янги ташкил толанган «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖга риэлторлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди. У республикада фаолият юритаётган энг биринчи Риэлторлик ташкилоти деган номни олди.

— Риэлторлик ташкилоти қандай ташкилот? Риэлтор қандай ишларни амалга оширади? Бу саволларга тўхталар эканмиз, Қонунда аниқ белгиланган талаблар асосида фаолият юритаётган жамиятимиз фаолияти ҳақида айтиб ўтишим лозим, — дейди «Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти ҳодими Гўлҳебра Гўлмова.

Янги ташкилотни тузиш мақсадида «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун расмий эълон қилинган кундан бошлаб жамиятимиз аъзолари кўчмас мулк бозорини янги босқичда ривожлантириш, унга янги механизмларни жорий этиш, риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабларини бажариш, амалдаги қонун доирасида ташкилотда хизмат қилувчи риэлторларнинг билимларини ошириш, риэлторлик хизматларини кўрсатишда лозим бўладиган меъёрий ҳужжатлар ва улар билан жорий этиладиган ҳужжат намуналарини яратиш юзасидан тинмай меҳнат қилдилар. Жамиятимиз ва унинг республикамиз ҳудудларидаги филиаллари аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган кўчмас мулк ва уларга эгаллик қилиш ҳуқуқини расмийлаштириш хизматларининг ўзлашқилигини таъминлаш мақсадида ташкил этилди. Бу жамиятнинг тузишда кўчмас мулк бозорида кўп йиллик тажрибага эга бўлган мутахассисларимиз иштирок этидилар.

Мутахассисларимиз жорий йилнинг май-июнь ойларида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Баҳолаш, биржа ва риэлторлик фаолиятини лицензиялаш бошқармаси томонидан тасдиқланган 100 сертификат ўқув дастури асосида ўтказилган семинарда иштирок этидилар.

Ўқув машғулотида икки гуруҳда 150 талабгор ўқитилиб, уларнинг эътибори мавжуд қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга ва асосан кўчмас мулк бозорида ўзларга келадиган аниқ вазиятларни ҳал этишга қаратилди. Машғулотлар фаол суҳбат кўринишида ўтказилди. Ўқув дастури бўйича тахсил олган мутахассисларимизга ва тингловчиларга бизнес-мактаби сертификатлари топширилди.

Қабул қилинган қонуннинг асосий талабларидан бири жамият риэлторлик фаолиятини олиб бориши учун лицензияга эга бўлиши лозимлигидир. Ўзбекистон Республикаси «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун эълон қилинган кундан бошлаб ўзларнинг олдларига қўйган мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қилган мутахассисларимиз малака сертификатига эга бўлишларига қадар ташкилот лицензия талабларини бажариши учун лозим бўлган ҳужжатлар тўпламини олдиндан ишлаб чиқдилар.

Кўчмас мулк бозорини янги босқичда ривожлантириш, унга янги механизмларни жорий қилиш, риэлторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия талабларини бажариш, бозорда хизмат қилувчи риэлторларнинг амалдаги қонун доирасида билганини ошириш, риэлторлик хизматларини кўрсатишда лозим бўладиган меъёрий ҳужжатлар ва улар билан жорий этиладиган ҳужжат намуналарини тайёрлаш. Қонунчиликка асосан юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказишда лозим бўладиган таъсис шартномаси ва устави тайёрланди. Ушбу таъсис ҳужжатларида жамиятнинг таъсисчилари, улар томонидан устав капитални шакллантирилиши, жамият томонидан амалга ошириладиган риэлторлик фаолияти, кўрсатиладиган хизматлар ва қонунчиликда белгиланган бошқа талаблар ўз аксини топди. Жамиятимизнинг 2011 йилда фаолият олиб боришини режалаштириш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқилди.

Барча ҳўжалик юритувчи субъектларда бўлгани каби «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ ва ташкил этиладиган худудий филиалларининг намунавий ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди. Ташкилий тузилмаларда амалдаги қонунчилик асосида риэлторлик фаолиятини юритиш, кўрсатиладиган хизматлар сифати назоратини таъминлаш учун белгиланган асосий лавозимлардан ташқари ёш кадрларга ҳам ишга жойлаштириш ва олган билимларини амалда қўллашга имконият яратилди. Мутахассисларимизнинг амалга оширган энг муҳим ишларидан бири, бу — жамият фаолиятини белгиловчи ички меъёрий ҳужжатларини яратилишидир.

Шу билан биргаликда риэлторлик ташкилотининг миқдор билан бевосита ишлашда керак бўладиган Савдоларни ташкил этиш, тўғридан тўғри оферта савдолари, аукцион ва танлов савдоларини ўтказиш қоидалари, буюртмачи аризасининг намунаси, жамиятнинг уларга кўрсатиладиган риэлторлик хизматлари шартномаларининг намуналари ва бошқа ҳужжатлар яратилди. Мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган Ташкилотда риэлторлик хизматлари сифатини назорат қилишнинг ички қоидалари риэлторлик фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Мазкур ички қоидалар ўзида кўчмас мулк бозорида риэлторлик хизматларини кўрсатиш тартиби, риэлторлик хизматларини кўрсатиш сифатини таъминлаш, риэлторлик хизматлари сифатини таъминлашда ички назоратни ташкил этиш тартиби каби бўлимлари ўзида муҳим қилган бўлиб, жамиятда риэлторлик фаолиятини амалга оширишдаги самарадорликни таъминлаш ҳамда жамият ва унинг худудий филиалларида кўрсатиладиган хизматлар сифатини назорат қилишда асосий омил ҳисобланади.

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда республикада биринчилардан бўлиб риэлторлик хизматларини кўрсата бошлади.

Шарифа ИЛЁСОВА



Буюк Истиқлолимизнинг қутлуг 20 йиллиги арафасида халқимиз, миллатимиз тақдиридаги энг ёрқин дамларни, ўтган йиллар залворини сарҳисоб қилиш ҳар биримизга чексиз гурур, завқ- шавқ бағишлайди.

Тадбирлар

ЯГОНАСАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

Ўтган йилларнинг ҳар бир куни йилларга, йили асрларга тенг бўлди, дея баралла айта оламиз. Зеро, тарих учун лаҳзага тенг шу йиллар мобайнида мамлакатимиз бекиёс юксалишларга эришдики, бугун нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон муваффақиятларимизни эътироф этмоқда. Биргина азим пойтахтимиз мисолидаёқ бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Кўни кеча Чилонзор тумани ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда туман «Нуроний» жамғармаси ҳамкорлигида «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкиллаштирилди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб уюштирилган байрам тадбири маданият, спорт, адабиёт ва санъат намояндлари иштирокида аввалига Тошкент вилояти ихтисослаштирилган соматик шифохонасида, кейин эса ҳарбий қисмларда ўтказилди.

Мустақиллигимиз айна пайтда маънавиятнинг ажралмас қисми бўлган миллий тил ва маданиятни тараққий эттириш, ўз-ўзини англаш, миллий гурурни, ватанпарварликни юксалтириш ва мустақамлашга ҳам кенг йўл очганини таъ-

кидлаш жоиз, – дейди Маънавият тарғибот маркази Чилонзор туман бўлими раҳбари Гулчеҳра Досметова. – Мустақил Ўзбекистоннинг тараққийоти жамият аъзоларининг, ҳар бир шахс ва айниқса, ёшларнинг маънавий камолоти, истиқлол ғояларини кишилар онгига, кундалик ҳаётига чуқурроқ сингдиришга боғлиқ. Шу маънода бизнинг ушбу тадбирни ўтказишдан кўзлаган асосий мақсадимиз ҳам халқимизнинг азалий қадриятларини тиклаш борасида эътиборга молик ишларни амалга оширишдир.

Чилонзор тумани «Нуроний» жамғармаси раиси Обид Аҳмедов, Банк-молия академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори, иктисодиёт фанлари доктори Михаил Хамидулин, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, шунингдек, сеvimли санъаткорларимиз Ўзбекистон халқ артисти Тўти Юсупова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мадина Мухторова, «Нихол» мукофоти совриндори Сирожиддин Файзиев ҳамда спортчи – гандбол бўйича халқаро мусобақалар ғолиби Улуғбек Икромовларнинг чиқишлари тадбир иштирокчиларига байрамона кайфият улашди.

Нигора ТўЛАГАНОВА



Кўргазмалар

ЁШ АВЛОД ИСТИҚБОЛИ ЙЎЛИДА

Шаҳримизда бўлажак оналар, болалар ва ўсмирлар учун энг яхши маҳсулот ва хизматлар намойиши – «Болалар худуди» тўртинчи халқаро ихтисослашган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Мамлакатимизда ягона ҳисобланган ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар кўргазмасини айланар эканмиз, бу галги тадбир жуда ёрқин, кенг ва қулай тарзда ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлдик. Асосан, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчиларнинг янги маҳсулотлари, шунингдек Россия давлатидан ташриф буурган иштирокчилар стендларининг худди байрамлардагидек безатилгани барчаннинг эътиборини тортмоқда. «Zag EXPO» кўргазмалар компанияси ташкилотчиси бўлган тадбирни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тадбиркор аёллар ва ишбилармонлар жамоатчилиги биллашмаси, нодавлат таълим муассасалари уюшмаси расмий қўллаб-қувватламоқда.

Уч йилдан буён фаолият кўрсатмоқдамиз, – дейди «Siburginvest» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Отабек Акбаров. – Бир ойда 10-12 минг дона футболка, майка ва шорти ишлаб чиқарилди. Ўтган 2010 йилда ишлаб чиқаришни босқичма-босқич кенгайтирган ҳолда 93 нафар малакали ишчи-хизматчилар меҳнати, саъй-ҳаракатлари билан 25 турдаги маҳсулотдан ҳар ойда 1 миллионга тайёрланган. МЧЖда қайд қилинган вақт давомида 500 минг АҚШ долларлик болалар кийим-кечаклари экспорт қилинди. Қувонарлиси, ишлаб чиқарилаётган товарларимиз 100 фоиз маҳаллий пахтадан. Биринчи кундаёқ бир неча ҳамкорлар билан шерикчилик лойиҳалари асосида иш юритиш ҳақида келишиб олдик.

Эътиборлиси, кўргазмада каттагина жойини эгаллаган «Mobil group» МЧЖ кичикинтойлар ва мактабгача таълим муассасалари учун юмшоқ ўйинчоқлар ва спорт анжомлари ишлаб чиқаришда етакчи ҳисобланади. Ушбу ўйин модуллари жажжигина фарзандларимизга мўлжалланган бўлиб, ҳаракатда баҳариландиган ўйинлар уларда ижодкорлик-

ни камол топтириш учун яхши имкониятдир. Уларнинг экологик тоза хом ашёдан тайёрланаётгани, таннархининг нисбатан арзонлиги кўпчиликнинг диққатини тортмоқда. Шунингдек, «В.Н.Т.» кўшма корхонасининг сифатли гигиеник воситалари, «Технопобел» МЧЖнинг 100 номдан зиёд болалар ва ўсмирларга мўлжалланган замонавий, қулай, сертификатланган мебеллари, «Titi» МЧЖда тайёрланаётган бежирим, мавсумбоп қалпоқчалар, «Vazirabizness» МЧЖда ишлаб чиқарилаётган 40 турдаги музқаймоқ ва сироклар, «Toshkent qog'oz» МЧЖнинг сифатли қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари, дафтарлар, МЧЖ шаклидаги «Наврўз» интернейшнл корп.» кўшма корхонасида «Монтелла» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган тозаланган ичимлик суви сифати ҳамда харидорчилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кўргазмадан кўзланган асосий мақсад – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мустақил Ўзбекистонимизнинг келажиги бўлган ёш авлоднинг истиқболи порлоқ бўлиши йўлида имкониятларини тўлиқ ишга солишларига имкон яратиш, янгиликлар билан кенгроқ танишиш, қўллаб-қувватлашдаги етакчи мутахассислар билан тажриба алмашишга қулай шароит туғдиришдир, – дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг етакчи мутахассиси Дилшод Расулов. – Дунёда ўзбеклардек болажон халқ топилаш керак. Шу боис ҳам давлатимиз томонидан она ва бола саломатлигини мустақамлашга, фарзандларимизни тўғри тарбиялашга, уларни ҳар томонлама камол топтиришга алоҳида аҳамият қаратилаётгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Ихтисослашган кўргазма доирасида кўплаб кўнгилочар дастурлар, концертлар, маҳорат дарслари, турли ўйинлар иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинади.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
Козим Улмасов олган сурат

Анжуманлар

МЕН БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАНИМНИ СЕВАМАН

«Наврўз» никоҳ уйида ўтказилган ушбу тадбирда вазирликнинг масъул ходимлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, давлат ва нодавлат ташкилотлар, бир қатор ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлиғи Ҳ. Файзиев, Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Т. Тўраев, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А. Турсунов, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси У. Хусайнов ва бошқалар «Мустақиллик ва ҳуқуқ», «Мустақиллик – улугъ неъмат», «Истиқлол йилларида демократик давлат бошқарувини яратиш борасидаги изчил ишлорларнинг ҳуқуқий асослари» каби мавзуларда сўзга чиқиб, мустақилликке азиз неъматнинг ҳар бир инсон ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар. Шунингдек, тарихан қисқа бир даврда, халқимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли

Айни кунларда бутун республикамиз бўйлаб энг азиз ва буюк неъмат бўлмиш мустақиллик шодиёналарининг 20 йиллиги олдиндан корхона, ташкилот, ўқув муассасалари ва маҳаллаларда анжуманлар, давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида «Мен буюк ва муқаддас Ватанимни севаман» мавзусида ташкил этилган давра суҳбати ҳам айнан юқоридаги мақсадларга қаратилганлиги билан эътиборга лойиқдир.

ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққийоти йўлидан барқарор суруятлар билан ривожланиб бораётган мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз буюк тарихий ғалаба эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Шу билан бирга, иштирокчиларда мамлакатимизда суд- ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ишлорлар, жумладан, Ўзбекистон Рес-

публикаси Президентининг ўтган йилнинг ноябрь ойида ўтказилган Олий Мажлис палаталари кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида белгиланган вазифалар ва бу борада амалга оширилаётган ишлар юзасидан чиқишлар ҳам катта таассурот қолдирди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Учтепа тумани — Чилонзор тумани 13-мавзе, Фарход-Лутфий кўчалари кесишувида

Миробод тумани — Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, «Тошкент универмаги» худудидаги майдонда

М.Улуғбек тумани — БИЙ кўчаси, 59-уй олдида

Олмазор тумани — Талабалар кўчаси, «Ёшлик» ҳокимияти маркази олдидаги майдонда

Сергели тумани — Сер-

Хурматли ҳамшаҳарлар!

Шаҳримиз туманларида 2011 йил

1 августдан 1 октябргача ташкил

этиладиган Марказий

«Мактаб бозорлари» рўйхати

гели 3, савдо ярмаркаси худудида

Чилонзор тумани — Чилонзор кўчаси, 55, «Чилонзор савдо маркази» олдида

Ҳамза тумани — «Авиасозлар бозори» олдидаги майдонда

Шайхонтохур тумани — «Эски Жува деҳқон бозори» худудидаги «Сеул плаза» дўкони олдидаги майдонда

Юнусобод тумани — Юнусобод тумани, 19-мавзе, «Юнусобод саховат» дўкони олдида

Яккасарой тумани — «Аския деҳқон бозори»нинг кириш қисмида

Ш.Руставели кўчаси, 50 ва 52-уйлар ораллигидаги майдонда

Бундан ташқари Тошкент шаҳридаги деҳқон ва буюм бозорларида тадбиркорлар томонидан мактаб бозорлари шаклида ўқув куроллари, қўлланмалари, кийим-кечаклар, пойабзаллар билан савдо ташкил этилади.



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҲИКМАТЛАР ГУЛДАСТАСИ

Лабзнинг қарзи — виждоннинг хиралигидир.

Висолнинг ёнида доимо ҳаё бор.

Беўрин уялиш — фаолиятсизлик.

Уялиб мақсадни рўёбга чиқара олмаслик — ношудликдир.

Андиша қилиш — оёқ ости бўлиш эмас.

Уят — тишсиз бўлса-да, кемиради.

Орзу — тирикликнинг мазмуни.

Умид — йўл бошловчидир.

Муҳаббат билан орзу эгизак.

Орзу амалга ошса, бахтнинг кўлидан етаклаб келади.

Ҳар орзу — эгасининг тушунчасига тенг.

Орзуси улугъ одамнинг қиладиган ишлари ҳам улугъ бўлади.

Одам ҳаётдан яхшилик умид қиладди, ҳаёт ҳам ундан шуни сўрайди.

Ёмон кунларда — умид таянч.

Бел букилганда ҳам орзу букилмайди.

Муҳаббатнинг орзуси — аввалига висол, кейин эса вафодир.

Хушёрликнинг дастёрлари дид билан фаросат.

Хушёрлик — обрўни кўрийди.

Тақлидчилик — одамни мазҳабсиз қилиб кўяди.

Баъзилар ҳаётга қулча бериб, нон сўрайдилар.

Нафснинг катталиги — обрўсизланиш элчиси.

Икки яхшининг мулоқотида — яхшилик болалайди.

Яхшиликнинг ёмонлиги ҳам фойдали.

Баъзилар бир тилда гаплашсалар-да, бир-бирларини тушунмайдилар.

(Давоми бор)



Ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 19-24, кундузи — 36-41 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра 13 августда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратди. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдори паст бўлади.

Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи томонидан 2007 йил июлда Ҳакимов Собир Фафорович номига берилган 79 рўйхат рақамли К775810 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Шайхонтохур тумани, Марказ-13, 21-уй, 21-хонадонда истиқомат қилувчи Қурбонов Ёқуб Саидович номида бўлган уй режаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,

236-57-65. Факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, chorshanба, пайshanба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар

Матбуот ва ахборот

бошқармасида 02-1-рақам

билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,

офсет усулида босилди.

2966 нусха босилди.

Котои бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.